

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

НАРМАМАТОВ ИХТИЯР БАХТИЯРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ШАКЛЛАРИДАН
Фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўллари**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Нармаматов Ихтияр Бахтиярович

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш
амалиёти тақомиллаштириш йўллари 3

Нармаматов Ихтияр Бахтиярович

Пути совершенствования практики использования безналичных форм
расчетов в Узбекистане..... 25

Narmamatov Ikhtiyar Bakhtiyarovich

Ways to improve the practice of using forms of cashless payments in
Uzbekistan 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

НАРМАМАТОВ ИХТИЯР БАХТИЯРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ШАКЛЛАРИДАН
Фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўллари**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD.Iqt1435 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саттаров Одилжон Бердимуратович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Рахимова Хавоҳон Усмонжоновна
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий-даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «29» 01 соат 10 дақи мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 01 2022 кунни тарқатилди.
(2022 йил «14» 01 дақи рақамли реестр баённомаси).



Н.Х.Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К.Худайкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшиқчи илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари банк амалиётида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида комплекс фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги ва ушбу жараёнда тўловнинг кафолатланганлик даражаси нисбатан юқори бўлган ҳисоб-китоб шаклларига устувор аҳамият берилаётганлиги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш имконини бермоқда. Масалан, «АҚШнинг Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакцияларнинг суммаси 2020 йилда 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада (9,6 %) ошган»¹. Россия Федерациясида 2015-2019 йилларда тижорат банклари мижозларининг кредитли узатмалари миқдорининг ўсиш тенденциясини кузатилганлиги мазкур даврда тўлов топшириқномалари ва ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган тўловларнинг ўсиш суръатларига эга бўлганлиги билан изоҳланди»². Тараққий этган мамлакатлар банкларида тўлов кафолатланган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида кенг фойдаланиш йўлган қўйилганлигига қарамасдан банklar томонидан ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланишнинг янгича механизмларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Хорижда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида комплекс фойдаланишни таъминлаш, ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, банklarнинг ликвидлигини таъминлаш орқали тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш жараёнида юзага келадиган рискларни баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, мазкур тадқиқотларда иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст бўлган ва тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган шароитда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш бўйича ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида такомиллаштириш борасида рақамли технологияларни такомиллаштириш тизими ва механизмларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан, иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шакллари жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор

¹ www.federalreserve.gov сайти (АҚШ Федерал заҳира тизими) маълумотлари.

² www.cbr.ru сайти (Годовой отчет Банка России) маълумотлари.

йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган»³. Шу билан бирга, республикада нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари билан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан, республика бўйича амалга оширилаётган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида нисбатан энг юқори салмоқни тўлов топшириқномалари билан амалга оширилаётган тўловлар эгаллаётгани ҳолда, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар билан амалга оширилган тўловлар энг кичик салмоқни эгалламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, фармонлари ва 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон

«Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётини такомиллаштириш масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – О.Лаврушин, В.Усоскин, А.Глориозов, Д.Михайлов, А.Косой, К.Скиннер, Ҳ.Аллен, А.Горохов, А.Прокофьев, В.Татьянникова, П.Семиковава бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган⁴.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766).

⁴ Банковское дело. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: ЗАО «КНОРУС», 2008. – 768с.; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕЛАНД, 2019 – 328с.; Глориозов А.Г., Михайлов Д.М. Внешне-торговое финансирование и гарантийный бизнес. Практическое пособие. – М.: Юрайт, 2011. – 905с.; Косой А.М. Платежный оборот: исследования и рекомендации. Монография. – М.: КНОРУС, 2012. – 296с.; Скиннер К. Будущее банкинга: мировые тенденции и новые технологии в отрасли. Пер. с англ. – Минск: Гревцов Паблицер, 2009. – 400 с.; Allen H. Innovations in Retail Payments: E – Payments. Bank of England Quarterly Bulletin. Winter, 2003- 43 p.; Горохов А.А. Формы безналичных

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётини такомиллаштиришнинг алоҳида олинган назарий ва амалий масалалари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар – Ш.Мирзиёев, И.Алимардонов, А.Исмаилов, Ф.Ахмедов, Б.Бердияров, С.Гадоев, Т.Бобакулова бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган⁵.

Аммо, ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш масаласи мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг

«Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларни тадқиқ қилиш ва уларнинг амалий аҳамиятига баҳо бериш;

нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётидаги инновацияларни ўрганиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига баҳо бериш;

нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражасига баҳо бериш;

нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш;

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

расчетов//Инновационная экономика:перспективы развития и совершенствования.- Курск,2017. №4. (22). – С. 69-75.; Прокофьев А.В, Татьянников В.А. Новые инструменты безналичных расчетов: специальные банковские счета//Известия Байкальского государственного университета. – Иркутск, 2017. – №3. – С. 411-418.;Семикова П.В. Аккредитивы как инструменты платежа//Финансы и кредит. – Москва, 2003. – №3. – С. 62-68.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 – 104 б.; Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018 – 61 б.; Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.; Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога кўрсатадиган хизматларини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. автореф. – Тошкент, 2017. – 47 б.; Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б.; Гадоев С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлилик riskини бошқаришни такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 47 б.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 33 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклараро электрон тўлов тизими ва Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик-тижорат банклари – ТИФ Миллий банки, Асакабанк, Агробанкнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиёти олинган.

Тадқиқотнинг предмети нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, мантикий тафаккур, умумлаштириш, анализ ва синтез, тизимли таҳлил, статистик таҳлил, қиёсий таҳлил усуллардан фойдаланилган

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кредит тўловига лаёқатлилиги юқори бўлган мижозлар гуруҳига «қопланмаган», «қайта тикланадиган», «авансли аккредитив»лар очишни йўлга қўйиш орқали мижозларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан очиладиган аккредитивлар ҳажмини ошириш таклиф этилган;

банкларда ликвидлилиги таъминлаш мақсадида трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи улушини ошириш таклиф этилган;

мижозларнинг кредитор қарздорлигини камайтиришда юридик шахсларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан банк кафолатларини беришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тижорат банкларида тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги номувофиқликни йўқотиш, кредит rischi кўрсаткичларининг меъёрий даражаларини таъминлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражалари асослаб берилган;

ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва тижорат банклари кафолатларининг ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини оширишдаги ролини ошириш мақсадида мамлакат банклари томонидан хорижий банкларга экспорт қилинаётган товарларнинг сифати юзасидан кафолат беришни йўлга қўйиш ва тадбиркорлик субъектларига кафолат суммасини депонентлаш талаби қўйилмаслиги тавсия қилинган;

банклар активларининг таркибида юқори ликвидли қимматли қоғозлар улушини ошириш ва трансакцион депозитларнинг камаймайдиган қолдиғидан актив операцияларни молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш йўли билан улар ликвидлилигини қоплаш меъёрини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тўловга лаёқатлилиги бўйича биринчи тоифага мансуб бўлган юридик шахсларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан бериладиган банк кафолатлари ҳажмини ошириш орқали тижорат банкларининг комиссион даромадлари миқдорини кўпайтириш ва мижозларнинг кредитор қарздорлигини камайтириш имкониятларининг мавжудлиги асосланган;

мамлакат хўжалик амалиётига трагталар муомаласини жорий этиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор

қарздорлик ҳажмини қисқартириш ҳамда дисконтли кредитларни банк амалиётига жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, Жаҳон банки расмий маълумотларининг таҳлилларига таянган, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги ва уларни тижорат банклари амалиётига жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосалар ва амалий тавсиялардан тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишларида фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот ишида олинган таклиф ва тавсиялардан тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва молиявий-иқтисодий дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан банклар томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини, Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида янада такомиллаштириш бўйича вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида олинган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

кредит тўловига лаёқатлилиги юқори бўлган мижозлар гуруҳига «қопланмаган», «қайта тикланадиган», «авансли аккредитив»лар очишни йўлга қўйиш орқали мижозларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан очиладиган аккредитивлар ҳажмини ошириш АТ «Асакабанк»нинг 2020 йилга мўлжалланган «Ҳисоб сиёсати ва унинг асосий йўналишлари»да қабул қилинган ва киритилган (АТ «Асакабанк»нинг 2020 йил 31 декабрдаги СС–16/18–13-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТ «Асакабанк» томонидан мижозларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан очилган молиявий ҳужжатлаштирилган аккредитивлар суммаси 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 993,9 млн. сўмга ошган;

банкларда ликвидлиликни таъминлаш мақсадида трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи улушини ошириш таклифи АТ «Асакабанк»нинг 2020 йилга мўлжалланган «Ҳисоб сиёсати ва унинг асосий йўналишлари»да қабул қилинган ва киритилган (АТ «Асакабанк»нинг 2020 йил 31 декабрдаги СС–16/18–13-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТ «Асакабанк»да

ликвидликни қоплаш меъёри коэффициентининг даражаси 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 0,65 пунктга ошган;

мижозларнинг кредитор қарздорлигини камайтиришда юридик шахсларнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан банк кафолатларини бериш таклифи АТ «Асакабанк»нинг 2020-2023 йилларда ривожлантириш Дастурида қабул қилинган ва киритилган (АТ «Асакабанк»нинг 2020 йил 31 декабрдаги СС–16/18–13-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТ «Асакабанк»нинг комиссия даромадлари миқдори 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 27,8 фоизга кўпайган;

тижорат банкларида тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги номувофиқликни йўқотиш, кредит rischi кўрсаткичларининг меъёрий даражаларини таъминлаш таклифи АТ «Асакабанк»нинг 2020-2023 йилларда ривожлантириш Дастурида қабул қилинган ва киритилган (АТ «Асакабанк»нинг 2020 йил 31 декабрдаги СС–16/18–13-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз натижасида АТ «Асакабанк»да 2020 йилда юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръати (68,2%) беқарор пасивларнинг ўсиш суръатидан (66,5%) юқори бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та, жумладан, 14 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола (5 та республика ва 7 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертацион тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, диссертация иши натижаларини амалиётга жорий этилганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг **«Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётининг назарий асослари ва хориж тажрибаси»** деб номланган биринчи бобида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида

фойдаланиш амалиёти хусусидаги илмий-назарий қарашлар таҳлил қилинган ҳамда илғор хориж тажрибаси ўрганилган ва умумлаштирилган.

Иқтисодчи олимларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиёти хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

нақд пулсиз ҳисоб-китоблар уч шаклда амалга оширилгани ҳолда, тўлов инструментлари воситасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларга киритилади;

чекларнинг турлари ичида ордерли чеклар. уларни индоссамент орқали, учинчи шахсга узатишнинг мумкинлиги билан ажралиб туради;

тижорат банклари кўпчилик ҳолларда таъминланган аккредитивлардан қочиш мақсадида таъминот ўрнига тасдиқланган рамбурсли мажбурият тақдим этишади ва бундай шароитда таъминот қўлланилса, у ҳолда, сиёсий рискнинг турли жиҳатларини ҳисобга олишга тўғри келади, шунингдек, қоплаш суммасини репутацияси ёмон бўлган банкка ўтказиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак бўлади;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишда тўловларнинг кетма-кетлиги принципи муҳим ўрин тутаяди ва бунда тўловларнинг календарь кетма-кетлиги барча турдаги тўловларнинг тенглигини кўзда тутаяди;

кичик тўловларни амалга оширишнинг оддий схемаларини кенг қўлланилиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш кўламини торайишига олиб келади ва бунда мобил тўловлар схемасини таклиф қилувчи телекоммуникацион компаниялар, интернет тўловларнинг катта қисмини қамраб олган Pay Pal каби онлайн компаниялар, транспорт тизимидаги тўлов хизматлари етказиб берувчилар тўлов тизимининг асосий субъектларига айланади;

электрон тўловлардан фойдаланиш трансакциялар частотасига таъсир кўрсатиши ва бир тўлов воситасини иккинчиси билан алмашишига олиб келиши мумкинки, натижада, монетар ҳаракатлар ва иқтисодий фаоллик ўртасидаги алоқадорликнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётидаги инновацияларни тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики:

тўлов топшириқномаси, чек, хужжатлаштирилган аккредитив ва инкассо анъанавий нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ҳисоблансада, мазкур амалиётда инновацион ўзгаришлар юзага келди;

чекларни конверсия қилиш, ҳисобрақамларни электрон тақдим этиш ва тўлаш нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётидаги муҳим инновациялар ҳисобланади;

Интернет-банкнинг тижорат банклари фаолиятига жорий қилиниши кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан нақд пулсиз тўловлар борасидаги инқилобий ўзгариш сифатида баҳоланди ва айнан банклараро рақобатнинг кучли эканлиги тижорат банкларини Интернет-банкнинг амалиётга жорий этишга мажбур қилди;

«тақсимланган реестрлар» технологияларини жорий қилиш ва улардан кенг кўламда фойдаланиш тўлов тизимларидаги тўлов, клиринг ва ўзаро ҳисоблашиш жараёнларини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин;

Крипто валюталардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш кўламининг кенгайиши нақд пулларга бўлган талабни ва тижорат банкларининг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамларидаги пул маблағларига бўлган талабни камайтириши мумкин;

стэнд-бай аккредитиви аккредитивнинг инновацион тури ҳисобланади ва унинг бошқа ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан фарқ қилувчи асосий жиҳати шундаки, стэнд-бай аккредитивида аккредитивни очган банк мижознинг тўлов мажбурияти юзасидан фақат мижоз тўловга ноқобил бўлиб қолгандагина жавобгар ҳисобланади.

1-жадвал

АҚШнинг Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакциялар сони ва суммаси⁶

Тўловларнинг таркиби	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2016	2017	2018	2019	2020	
Трансакциялар сони, минг дона	148 142	152 649	158 430	167 650	184 010	124,2
Трансакциялар суммаси, млрд. АҚШ доллари	766 961	740 096	716 211	695 835	840 483	109,6

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2016-2020 йилларда АҚШнинг Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакциялар сони ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса, суммаси эса пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакцияларнинг умумий сонидан йирик тўловларнинг сонини ошганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, АҚШнинг Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакцияларнинг сони ва суммаси 2020 йилда 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

⁶ Жадвал муаллиф томонидан www.federalreserve.gov сайти (АҚШ Федерал захира тизими) маълумотлари

Россия Федерациясида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг таркиби⁷, фоизда

Кўрсаткичлар	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.
Тўлов топшириқномаси ва аккредитивлар орқали амалга оширилган тўловлар	99,6	99,5	99,6	99,7	99,7	96,9
Тўлов талабномаси ва инкассо орқали амалга оширилган тўловлар	0,4	0,5	0,4	0,3	0,3	3,1
Тўловлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

2-жадвал маълумотларига кўра, Россия Федерацияси амалиётида 2015-2020 йилларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида мутлақ асосий ўринни тўлов топшириқномаси ва ҳужжатлаштирилган аккредитивлар орқали амалга оширилган тўловлар эгаллайди. Бу эса, фикримизча, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

тўлов топшириқномаларида тўлов кафолатланмаган бўлса-да, бири-бирига ишончи бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларда ҳамда давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширишда тўлов топшириқномалари кенг қўлланилади;

ҳужжатлаштирилган аккредитивларда етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловлар тўлиқ кафолатланган;

тўлов талабномаси ва инкассо орқали амалга ошириладиган тўлов амалиёти такомиллашмаган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётининг замонавий ҳолати» деб номланган иккинчи бобида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиёти таҳлил қилинган ва мавжуд тенденциялар аниқланган ҳамда мазкур амалиётга таъсир қилаётган омилларнинг таъсир даражасига баҳо берилган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунига кўра, ликвидлиликнинг вақтинчалик тақчиллиги юзага келганда тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк ликвидлиликни сақлаб туриш учун тижорат банкларига уч ойгача бўлган муддатга қисқа муддатли кредитлар тарзида тезкор ёрдам беришга ҳақли. Мазкур кредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банкнинг бошқа кредитларига доир амалдаги ставкалардан кам бўлмаслиги ва у банкнинг активлари билан таъминланган бўлиши керак⁸.

⁷ Жадвал муаллиф томонидан www.cbr.ru сайти (Годовой отчет Банка России) маълумотлари асосида тузилган.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида//Қонун

Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунининг 33-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўловларни амалга оширишда қуйидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланилади:

Тўлов топшириқномаси; тўлов талабномаси;
 Инкассо топшириқномаси; мемориал ордер;
 аккредитив;
 крим ва чиқим касса тўлов ҳужжатлари⁹.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг таркиби¹⁰, фоизда

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Мемориал ордер	49,18	49,64	39,09	32,93	32,96	59,06
Тўлов топшириқномаси	50,37	50,12	60,54	66,69	66,48	40,60
Тўлов талабномаси	0,09	0,08	0,09	0,08	0,07	0,07
Инкассо	0,18	0,15	0,26	0,29	0,48	0,25
Ҳужжатлаштирилган Аккредитив	0,18	0,01	0,02	0,01	0,01	0,02
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни тўлов топшириқномалари билан амалга оширилган тўловлар эгаллайди. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тўлов топшириқномасининг жиддий камчилиги бўлиб, тўловнинг кафолатланмаганлиги ҳисобланади. Бунинг устига, тўлов топшириқномалари билан амалга оширилган тўловларнинг нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 2019 йилда 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада (16,11 ф.п.) ошган.

Шунингдек, 2015-2020 йилларда республикада бўйича амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида мемориал ордерлар билан амалга оширилган тўловларнинг салмоғи сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланмайди. Чунки, биринчидан, мемориал ордер нақд пулсиз ҳисоб-

ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.11.2019 й., 03/19/582/4014-сон.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2019 й., 03/19/578/3986-сон.

¹⁰ Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

китоб шакли ҳисобланмайди; иккинчидан, мемориал ордерда тўловни амалга ошириш учун тўловчининг розилиги талаб этилмайди.

Шу билан бирга, жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, мамлакат бўйича амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида мемориал ордерлар орқали амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг салмоғи 2019 йилда 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада (16,22 ф.п.) пасайган. Ушбу пасайиш, асосан, мазкур даврда тўлов топшириқномалари билан амалга оширилган тўловларнинг нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмидаги салмоғини сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳланади.

4-жадвал маълумотларига кўра, республикамиз бўйича 2015-2020 йилларда амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида тўлов талабномаси билан амалга оширилган тўловларнинг салмоғи жуда паст даражада бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тўлов талабномаси бозор иқтисодиёти талабларига тўғри келмайди. Чунки, тўлов талабномаси пули тўланмай жўнатилган товарларнинг пулини олиш мақсадида қўлланилади. Бозор иқтисодиёти шароитида пули тўланмай, яъни тўлови кечиктириб сотилган ҳар қандай товар кредитга сотилган ҳисобланади ва ушбу товарлар суммаси унга фоиз ҳисобланган ҳолда тўланади. Кредитга сотилган товарлар суммасига кўпчилик ҳолларда тижорат вексели ёзилади ва векселда товар суммаси ва унга қўшиб тўланадиган фоизнинг ставкаси кўрсатилади. Иккинчидан, тўлов талабномасида тўлов кафолатланмаган.

Шунингдек, республикамиз бўйича 2015-2020 йилларда амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида инкассо ва ҳужжатлаштирилган аккредитивлар билан амалга оширилган тўловларнинг салмоғи жуда паст даражада бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг инкассо шаклида тўловчини тўловни ўз вақтида амалга оширишга ундовчи жиҳат мавжуд. Яъни, тижорат банки товарлар суммаси тўланмагунга қадар товар ҳужжатларини тўловчига бермайди. Тўловчи товар ҳужжатларини олмаса товарни ола олмайди. Бу эса, тўловчини товарлар суммасини тезроқ тўлашга мажбур қилади. Иккинчидан, ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов суммаси тўлиқ кафолатланган. Қопланадиган аккредитивларда тўлов суммаси тўловчининг жорий ҳисобрақамидан ечиб олиниб, алоҳида ҳисобрақамга ўтказиб қўйилади ва ушбу суммадан тўловчи фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Қопланмайдиган аккредитивларда тўловчининг банки ҳужжатлаштирилган аккредитивни очилиши билан, яъни мол етказиб берувчининг банкига аккредитив телеграммасини жўнатиши билан тўлов юзасидан кафилга айланади. Агар товар ҳужжатлари келиб тушганда тўловчининг талаб қилиб

олингунча депозит ҳисобрақаида пул маблағлари бўлмаса, у ҳолда, тўловчининг банки ҳужжатлаштирилган аккредитив суммасини ўзининг кредити ҳисобидан тўлаб беради.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг таркиби¹¹¹, фоизда

	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Тўлов топширикномаси	99,45	99,52	99,39	99,42	99,17	99,05
Тўлов талабномаси	0,18	0,16	0,16	0,13	0,10	0,21
Инкассо	0,35	0,31	0,42	0,43	0,71	0,73
Ҳужжатлаштирилган аккредитив	0,02	0,01	0,03	0,02	0,02	0,01
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизда 2015-2020 йилларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг умумий ҳажмида жуда юқори салмоқни тўлов топширикномалари билан амалга оширилган тўловлар эгаллаган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шаклларида фойдаланиш амалиётини ривожланмаганлигидан далолат беради.

Таҳлил маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, мамлакатимиз бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг умумий ҳажмида тўлов талабномаси орқали амалга оширилган тўловларнинг салмоғи атиги 0,21 фоизни, инкассо воситасида амалга оширилган тўловларнинг салмоғи 0,73 фоизни, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар орқали амалга оширилган тўловларнинг салмоғи эса, атиги 0,01 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов тўлиқ қафолатланган бўлиб, тижорат банклари катта миқдорда даромад олиш имконига эга бўлади.

Таҳлилни чуқурлаштириш мақсадида алоҳида олинган банклар мисолида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини таҳлил қиламиз.

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ТИФ Миллий банки орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг умумий ҳажмида жуда юқори салмоқни тўлов топширикномаси билан амалга оширилган тўловлар эгаллади. 2020 йилнинг сентябрь ойида ушбу кўрсаткич 99,31 фоизни ташкил этди. Мазкур ҳолат ТИФ Миллий банкининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллашмаганлигини кўрсатади.

¹¹ Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

5-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки
орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга
оширилган тўловларнинг таркиби¹², фоизда**

	2020 йил			
	январь	март	июнь	сентябрь
Тўлов топшириқномаси	98,90	98,67	99,07	99,31
Тўлов талабномаси	0,31	0,34	0,14	0,24
Инкассо	0,79	0,99	0,79	0,45
Ҳужжатлаштирилган аккредитив	0,0	0,0	0,0	0,0
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0

6-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Агробанк орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг умумий ҳажмида жуда юқори салмоқни тўлов топшириқномаси билан амалга оширилган тўловлар эгаллайди. 2020 йилнинг сентябрь ойида ушбу кўрсаткич 94,58 фоизни ташкил этди. Мазкур ҳолат Агробанкнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини умуман такомиллашмаганлигини кўрсатади.

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси АТ «Агробанк» орқали нақд пулсиз ҳисоб-
китоб шакллари воситасида амалга оширилган тўловларнинг таркиби¹³,
фоизда**

	2020 йил			
	январь	март	июнь	сентябрь
Тўлов топшириқномаси	96,72	98,09	98,73	94,58
Тўлов талабномаси	0,18	0,15	0,16	0,24
Инкассо	3,10	1,76	1,11	2,20
Ҳужжатлаштирилган аккредитив	0,0	0,0	0,0	2,98
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0

Шу билан бирга Агробанкда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида умуман тўловлар амалга оширилмаган. Бироқ, 2020 йилнинг сентябрь ойида Агробанк томонидан ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида тўловларни амалга оширилганлиги нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали АТ «Асакабанк» орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг таркиби ва динамикасини кўриб чиқамиз (7-жадвал).

¹² Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

¹³ Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси АТ «Асакабанк» орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган тўловларнинг таркиби¹⁴ фоизда

	Ҳар бир йилнинг декабрь оyi охирига				2020 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
	2017	2018	2019	2020	
Тўлов топшириқномаси	99,01	99,2	98,63	97,86	- 1,15
Тўлов талабномаси	0,51	0,28	0,27	0,47	- 0,04
Инкассо	0,48	0,52	1,10	1,67	1,19
Хужжатлаштирилган аккредитив	0,00	0,00	0,00	0,00	0,0
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	x

7-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2017-2020 йилларнинг декабрь ойининг сўнгги санасига Асакабанк орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг умумий ҳажмида асосий ўринни тўлов топшириқномалари орқали ўтган тўловлар эгаллайди. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тўлов талабномаси ва инкассо шакли орқали амалга оширилган тўловларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилган тўловларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи жуда кичик; иккинчидан, хужжатлаштирилган аккредитивлар орқали умуман тўлов амалга оширилмаган.


Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб, тижорат банкларининг ликвидлилиги ҳисобланади.

1-расм маълумотларидан кўринадик, Асакабанкда жорий ликвидлилик коэффициентини даражаси 2016 йилда 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, мазкур даврда Асакабанкда юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръатини талаб қилиб олинadиган депозитларнинг ўсиш суръатидан сезиларли даражада юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Асакабанкда 2016 йилда 2015 йилга нисбатан юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръати 243,1 фоизни ташкил этгани ҳолда, талаб қилиб олинadиган депозитларнинг ўсиш суръати 139,5 фоизни ташкил қилди¹⁵.

Шунингдек, 2016-2018 йилларда Асакабанк жорий ликвидлилик коэффициентининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

¹⁴ Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

¹⁵ Асакабанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан амалга оширилган ҳисоб-китоблар.



1-расм. АТ «Асакабанк» ва ТИФ Миллий банкининг жорий ликвидлилик коэффицентининг ўзгариши¹⁶

юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръатини талаб қилиб олинадиган депозитларнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги (2017 йилда 2016 йилга нисбатан юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръати 137,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, талаб қилиб олинадиган депозитларнинг ўсиш суръати 166,5 фоизни ташкил этди);

юқори ликвидли активларнинг камайиш суръатини талаб қилиб олинадиган депозитларнинг камайиш суръатидан юқори бўлганлиги (2018 йилда 2017 йилга нисбатан талаб қилиб олинадиган депозитлар суммасининг камайиши 36,9 фоизни ташкил этгани ҳолда, юқори ликвидли активларнинг камайиши 66,4 фоизни ташкил қилди)¹⁷.

Шу билан бирга, 2016-2019 йилларда ТИФ Миллий банкида жорий ликвидлилик коэффицентининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, мазкур даврда талаб қилиб олинадиган депозитларнинг ўсиш суръатини юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. ТИФ Миллий банкида 2019 йилда 2016 йилга нисбатан юқори ликвидли активларнинг ўсиш суръати 134,8 фоизни ташкил этган бўлса, талаб қилиб олинадиган депозитларнинг ўсиш суръати 238,9 фоизни ташкил қилди¹⁸.

Эътироф этиш жоизки, иқтисодиётдаги тўловсизлик муаммоси нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётига нисбатан салбий таъсирни юзага келади.

